

**Ходжаев Жаҳонгир Аминжон ўғли:** *“Тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришда бизнес-режа ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари”*. (5A230701-“Банк иши (пул муомаласи ва кредит бўйича)”).

**Илмий раҳбар:** и.ф.н., доц. Рашитова Н.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Миллий иқтисодиётни ривожланишида тижорат банкларининг ўрни ва улар фаолиятида бизнес режасининг тутган ўрни ва аҳамияти, уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усуллари, хорижий давлатларда банк бизнес режасининг тузиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш ва мамлакатимиз банк тизимида жорий этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари.**

- тижорат банкларда бизнес-режанинг тузишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;
- бизнес-режанинг моҳиятини белгилайдиган назарий оқимларнинг қарашларини таққослаш ва уларнинг энг маъқулини белгилаш;
- тижорат банкларда бизнес-режани ишлаб чиқиш, уни амалий таҳлил қилиш;
- бизнес режада банк фаолиятининг ички молия муносабатларини назарий таҳлил қилиш;
- бизнес режанинг тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришдаги ўрнини ошириш бимлан боғлиқ илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.